



СССР ОЛИЙ ШУРАСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1970 йил 21 июндан
ЧИҚА БОШЛАГАН.

13 январь 1970 йил, сешанба

№ 9 (14.475). Баҳоси 2 тийин.



ЛЕНИН ТУБИЛЕЙИГА 99 КҮН ҚОЛДИ

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИ

БЕШ ЙИЛИК ИЛГОРЛАРИ



ДОҲИЯМИЗ юбилей шарафига бошлаган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган Тошкентдаги илпачилик фабрикасининг илпачилик меҳнатда юқори нурсаткичларга эришмоқдалар, Суратда: фабриканинг бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилётган илгор ишчиси Мавлуда Авазова. У смена топириқларини 115-120 процент ба нармоқда.



ОЛМАЛИҚ қурилишида фидонорона меҳнат қилётган барча насб эгалари Ленин юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун кучга, куч, гайратга-гайрат кўшиб ишламоқдалар. Суратда: 14-автотабанин илгор шифери Абдунодир Қаршибоев.



САМАРҚАНД область. Нуротоб районидagi 2-Қўшарбот совхозининг Ленин орденли сўзгучиси Муновоқ Сатторова ўзининг фидокорона меҳнати билан донг таратган. У ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан 1900 литрдан сараймоқ сут соғиб олди. Унинг бу йилги аҳди лна юксак.



ТОШКЕНТ трикотаж фирмаси ишчилари Бекободдаги Ленин номи металлургия заводи ҳамда Мирзачўлдаги Ленин номи совхоз ишчилари бошлаб берган ташаббусга қўшилиб, меҳнатда яхши нурсаткичларини кўпайтиришлар. Фабриканинг кўпчилигини ибрат кўрсатиб ишлаётган ишчиси Раиса Бойбенова смена топириқларини муттасил 130-140 процент қилиб урдаётган. Суратда: Р. Бойбенова иш устида. А. Турраев фотолари.

КАТТА НАМАНГАН КАНАЛИ ҚУРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА



Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукумати сугориладиган ерлар янада кенгайтириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш ва Ўзбекистон меҳнатқашларининг фаровонлигини юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Катта Наманган канали қурилиши тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ана шу ғамхўрликнинг янги ва ёркин ифодасидир.

Кейинги йилларда Наманган областида мавжуд ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш ва янги ерларни сугориш учун кўпгина ишлар қилинди. Шимолий Фарғона канали ва Чуст канали реконструкция қилинди, Косоний сув омбори кенгайтирилди, Марказий Фарғона ерлари ўзлаштирилди, селхона омборлари, насос станциялари ва бошқа гидротехника иншоотлари қурилди ва бунёд қилинмоқда.

Шу билан бирга Наманган областида хусусан унинг тоғ этаклари қисмида сугориш учун яроқли бўлса ҳам фойдаланилмаётган катта ер майдонлари мавжуд. Иккинчи шароитларнинг яхшилиги, меҳнат ресурсларини мавжудлиги бу ердаги сугориладиган ерларни кенгайтириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини беради. Бирок маҳаллий сугориш манбаларида — Подшоғоқасой — Косон, Говасой ва бошқа манбаларда сув камчилиги янги ерларни бундан бунёд ўзлаштиришга ва ана шу зонада қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишга тўсқинлик қилляпти. Тошкент Норин дарёсидан сув оладиган Катта Наманган канали қурилиши ана шу проблемани ҳал қилади.

Катта Наманган каналининг узунлиги 162 километр ва унинг баш тўғони секундида 61 кубометр сув сигариладиган бўлади. Бу эса 16 минг гектар майдонда сув камчилигига барҳам бериш, 27,8 минг гектар янги сугориладиган ерлар оқиниши таъминлаш имконини беради, колхозларнинг икки юзлаб майдонда насос станциялари, багирлар эгилиб, 120 метрга баландга сув чиқариб бера оладиган учта қудратли насос станцияси уларнинг ўрнини эгаллаяди. Сугориладиган ерларнинг умумий майдони 47 минг

гектарни ташкил этади. Сугориладиган ерларнинг умумий майдони 47 минг гектарни ташкил этади. Шу жумладан канал Қардош Қирғизистон ССРнинг 3,2 минг гектар ерларини сугоришга хизмат қилади. Маҳаллий манбалардан кўшимча олинмайдиган сув юқори зонадаги яна тахминан 5 минг гектар қўриқ ерларни сугоришга сарфланади.

Каналнинг қурилиши ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши пахта етиштиришни 50 минг тоннадан зиёдроқ кўпайтириш, кўшимча боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари олиш, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, Наманган область колхоз ва совхозларининг экономикасини юксалтиришга имкон беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети канал қурилишининг юксак даражада самара келтиришини ва катта халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлигини эътиборга олиб, барча куч ва маблағларни Катта Наманган канали қурилишига амалга оширишга сафарбар этилиши, биринчи навбатдаги таъминлашни, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг, Ўзбекистон ССР сув хўжалик қурилиши баш бошқармаси, Наманган область партия комитети ва область ижроия комитетининг энг муҳим вазифасидир, деб ҳисоблайдилар.

Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қурилишнинг буюртмачиси, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги баш бошқармаси баш пудратчи, «Ўзгипроводхоз» институти эса баш лойихаловчи қилиб тасдиқланди.

Наманган область партия комитети ва область ижроия комитетига таянган ҳолда ишларни ва асосий қурилиш ишларини муваффақиятли ўтказиш, областадаги таъминотларни, барча колхозлар ва совхозларни ишларга жалб этиш, бинокорлар учун энг яхши маданий-маиший шароит яратиб бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиб,

уларни амалга ошириш топширилди.

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда «Ўзгипроводхоз» институти қуйидаги вазифалар тақдир қилинди: 1970 йилнинг 1-мартига қурилишнинг календарь планини ишлаб чиқиш ва унда ишларнинг ҳажмининг йилларга тақсимлаш; канал қурилишини маҳаллий кадрлар билан, қурилиши техника, транспорт, машина-ускуналар ва бинокорлик материаллари билан таъминлаш.

«Ўзгипроводхоз» билан биргаликда ёрдамчи пудрат шароитларида маҳсус ишларни бажармоқ учун қуйидагилар жалб этилади:

гидромеханизациялаштирилган иер ишларини адо этиш учун «Трансгидромеханизация» трестининг 482-маҳсус бошқармаси; электрподстанциялари қуриш учун «Электросибмонтаж» трестининг 9-монтаж участкаси; 35 киловольт қувватга эга бўлган электр линияларини қуриш учун «Средазия» трестининг «Средазия» филиали; «Ўзбекистон» трестининг Наманган шаҳрида уй-жой ва ишлаб чиқариш бинокорли қуриш учун Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Главлостройиндустрия»га қурилиши зарур темир-бетон конструкциялар билан таъминлаш тақдир қилинди.

Сув хўжалиги министрлиги, «Ўзгипроводхоз» ва «САОсельэнергопроект» лойиҳалаш институтига, «Трансгидромеханизация» трестининг 482-маҳсус бошқармасига иш шартларини ишлаб чиқиб, етказиб беришни таъминлаш топширилди.

Республика Госпланига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети моддий-техника таъминоти баш бошқармаси ва «Узсельхозтехника» республика Бирлашмасига йиллик ланларда Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва «Ўзгипроводхоз» ишларининг календарь планини бажаришни таъминлайдиган миқдорларда маҳаллий кадрлар, қурилиш техникаси, машина-ускуналар, транспорт, қурилиш материаллари ажратилиши кўзда тутиш тақдир қилинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Хўнара-техника таъминоти давлат комитетига 1970 йилдан бошлаб, Катта Наманган канали иншоотлари учун маҳаллий бинокорлар ва механизаторлар тайёрлашни кўзда тутиш топширилди.

«Ўзгипроводхоз» 1970—1971 йиллар мобайнида Наманган шаҳрида «Наманганводстрой» трести мутахассисларни жойлаштириш учун 52 кўпқабатли уй-жой биноси қуришга ижозат берилди. Наманган область ижроия комитетига уй-жой биноси қуриш учун ер участкаси ажратиб бериш, шунингдек «Ўзгипроводхоз» институти экспедициясининг мутахассисларини уй-жой билан таъминлаш тақдир қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Соғлиқни сақлаш министрлиги, Маориф министрлиги, Хўжалик аҳамияти кўпайтириш министрлиги, Мадааният министрлиги, Савдо министрлиги, Алоқа министрлиги ва Автомобиль транспорт министрлиги зиммасига канал қуришчиларига маданий, маиший, медицина, совдо хизмати ва транспорт билан хизмат кўрсатишни ташкил этиш вазифасини юклайдилар.

Республика газеталарининг редакцияларига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшитириш ва телевидение давлат комитетига канал қурилиш қандай бораётганини мунтазам ёритиш, қурилиш илгорлари ва новаторлари тақрибасини пропаганда қилиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идоралари, Наманган областининг барча меҳнатқашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминловчи, колхозлар ва совхозлар экономикасини янада юксалтириш учун шарт-шароитлар яратиб бериши Катта Наманган канали қурилишида фол қатнашадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

...Совет халқи партия раҳбарлигида Ленин йулидан бориб, Октябрь ва социализм ғалабасига эришди. Биз Ленин йулидан коммунизм сари бораётимиз ва коммунизм ғалабасига эришамиз.

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «В. И. ЛЕНИН ТУГИЛГАН КҮНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА» ТЕЗИ СЛАРИДАН).

МАРТ ОЙИ ҲИСОБИГА

Тошкент трикотаж фирмаси тўқув цехининг аҳил меҳнатқашлари Ленинча меҳнат ваҳтасида туриб ишлаб, беш йилнинг илгунловчи йилининг дастлабни ҳафтасини меҳнатда зўр кўтариш билан янундадилар. Шу вақт ичиди 18 минг сўмлик аёллар иемпери ва бөлалар юстиюми тиниб берилди. Бунда Королина

Самитова, Нича Каннорь ва Ольга Самитова бригадалари намуна кўрсатиб меҳнат қилдилар. Тўқувчилардан Екутой Эшмухамедова, Фазилат Юнусова, Лилия Турсунова, Александря Нондратеева ва Карима Эргашевалар февраль ва март ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

А. ФОЗИЛОВ.

ТАРАДДУД

Оқдарё районидидаги «Партия XXII съезди» колхозининг деҳқонлари юбилей йилида пахтадан юқори ҳосил етиштириш тарадуудини кўрмоқдалар. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, ай

ниқса кучайтириб юборилди. 8 та автомашина, 12 та тракторлар тележика билан ҳар кунини 50-60 тоннадан ўғит ташиб чиқарилаётган.

Р. ХУДОБЕРДИЕВ.

ПЛАН ТЎЛДИ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистонини» муҳбири). Андижон районидидаги Окунбобоев номи колхоз чорвадорлари янги йилнинг дастлабни ҳафтасида катта ғалабани кўлга киритдилар. Улар давлатга 9ўшт сотиш йиллини планини Андижон областида биринчи бўлиб бажардилар. Тайёрлов пунктига 55 тоннадан ортинг ғўшт топширилди.

Балиқчи районидидаги «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари ғўшт тайёрлаш ярим йиллини планини ортинг билан бажардилар.

А. ҚУРОНБОВЕВ.

ЧИҚИНДИСИ

ҲАМ ҚИММАТЛИ

Пахтадан хилма-хил нарсалар ишлаб чиқарилиши маълум. Ленин унинг чиқиндиларидан анчагинаси шу вақтгача исроф бўлаётган эди. Тошкент тўқима-чилик ва энгил саноат институтининг олимлари бу ҳақда естойдил баш қотириллар. Натжида институт материалшунослик лабораториясида чиқинди ҳамда паст навли пахта толасидан тўқилмайдиган газлама тайёрлаш мумкинлигига қаноат ҳосил қилинди.

Лабораторияда шундай газламанинг тажриба намунаси яратилди. Бу янгилик халқ хўжалигига жорий қилинса, чиқиндилардан ҳам халқ хўжалиги учун зарур бўладиган кўплаб газламалар тўқиб чиқарилади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ ШУРАСИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР ШУРАТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети СССРнинг машҳур космонавт-учувчиси, КПСС аъзоси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Павел Иванович БЕЛЯЕВ оғир касаллиқдан кейин 1970 йил 10 январда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ СССР ОЛИЙ ШУРАСИ СССР МИНИСТРЛАР ШУРАТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЧАРОҒОН ЎЛКА



Ҳозир Октябрь революциясидадан кейин ўтган 52 йил ичиди мамлакатимизда энергетиканинг тараққиётига бир назар ташлаб қўриш-а. Эндиликда бутун мамлакатимизда шунингдек Ўзбекистон ҳам чароғон ўлкага айланди. Республикаимизни оилалик. Этимизда деярли электр энергия ишлаб чиқарилмаган ўлкада 1969 йили 15 миллиард 862 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилиди. Электр энергия ҳосил қилиш плани 101 процент бажарилди.

Йил давомида энергетикамиз тараққиёти юксак оқимлар билан борди. Буна қуввати 160 минг киловаттдан кўпайган янги блокнинг ишта туширилганидан ҳам янгиш мумкин. Бу блокларнинг ишта тушириши билан ТошГРЭСнинг қуввати 1.440 минг киловаттга етди. Навоий ГРЭСида кечанига янги блок синаовдан ўтказилди. Станция қуввати 790 минг киловаттга етди. Шунингдек 1969 йилда Тахнатоп ГРЭСида 9-бўғ қозони фойдаланишга топширилди.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида электр энергия узатиш линияларини қуришда ҳам салмоқли иш қилинди. «Дулдул-Урганув» маршрут буйича 220 киловольт қувватини 144 киловольт масофадаги линия қуриб тамомланди. 6-10 киловольт қувватини жами 4 минг кило-

метр, 35 киловольт ва ундан юқори қувватини 643 киловольт масофадаги электр тармоқларидан тоқ оқ болди.

Аҳолига иссиқлик энергияси етказиб беришга ҳам янги йилда Тошкент ТЭЦида соатига 100 гигакалория иссиқлик берадиган, Чилонзор ТЭЦида ва Фарғонадаги биринчи ТЭЦида соатига 50 гигакалориядан иссиқлик энергияси берадиган буг қозонларини фойдаланишга топшириш ҳақидаги хужжатларга имзо ченилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети ўтган йили қишлоқ районларини тўда электрлаштиришни тезлаштириш ҳақида қарор қабул қилган эди. Бу қарор электр станциялари, иссиқлик станцияларини қу-

ришни тезлаштиришга ёрдам берди. Шу кеча-кундузда лойиҳа қуввати 4 миллион 400 минг киловатт бўлган Сирдарё ГРЭСи, лойиҳа қуввати 600 минг киловатт бўлган Чорвоқ ГЭСи қурилмоқда. 1970 йилда ҳам бу қурилишлар давом этади. Ундан ташқари Тошкент ГРЭСида қуввати 160 минг киловатт бўлган 10-блок ишта туширилади. Иссиқлик энергияси ҳосил қилиш 7 миллион 600 минг гигакалорияга етди. 18,5 километр теплотраса ўтказилди. Энергетика қурилиш учун ажратилган 67 миллион 310 минг сўм капитал маблағдан 48 миллион 690 минг сўм қурилиш-монтаж ишларига сарфланади. Қурилиши 35 киловольт ва ундан юқори бўлган 770 километр электр узатиш линиялари қурилади. Қишлоқ хўжали-

гини электрлаштириш учун 6-20 киловольт қувватини 4 минг километр электр узатиш линиялари, 7 минг километр тарқатувчи электр тармоқлари қурилиб тугаллашди.

Ўтган йили республикамиздаги Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм областлари шаҳар ва қишлоқларининг ҳаммаси тўла электрлаштирилиб бўлинган эди. Бу йил республикамизнинг қолган областларини тўла электрлаштиришга кенг эътибор берилди. Шунингдек иссиқлик электр станцияларини асосий ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш давом этади.

Е. ШАБАЛИН, республика Давлат план комитети Энергетика ва ёқити саноати бўлими баш мутахассиси.

АМУДАРЁ КОЖИЛЛАРИ

Амударё азамат қурувчиларининг заботи олдида ювиб бўлиб боряпти. Дарё суви Аму-Бухоро машина каналининг биринчи навбати билан сувни Бухорода йилга 400 минг тонна пахта еттиштириш имконини берибди. Эндиликда Амударё ёрдамида

Зарфшон водийсидagi барча ерларни сугориб тадбирларни кўрилайти. Аму — Бухоро каналининг иккинчи навбат қурилиши лойиҳаси тасдиқланди. Машина каналининг иккинчи навбатини ҳам «Аму-Бухораканала» қуриш-монтаж бошқармаси коллектив бунёд

эди. Амударёнинг Зарфшон водийсидagi янги заркоили — каналнинг иккинчи навбати узунлиги 233 километрдан иборат бўлади. У секундига 115 кубометр суви ўткази олади. Насос станциялари Амударё сувини 150 метр баландликка кўтариб беради.

Амударё сувининг янги канал орқали оқиб Зарфшон водийсидagi Вобант, Шофиркон, Гикдого районларида 73 минг гектар ерни ўзлаштиришга ёрдам беради. Самарқанд ва Қашқадарь областларида деҳқончилик қилиб келинганда 400 минг гектарга яқин ерда сугориб ишларини яхшилайди. Каналда 12 та автомобиль ва 3 темир йўл кўприкларини қурилади. Уч сув тақсимлагичи ишоот, икки насос станцияси ва бошқа ишоотлар тикланади.



СИЗ ҚАНДАЙ ТУҲФА ТАЙЁРЛАЯПСИЗ?

ДЎСТОНА ЁРДАМ

Амударёни беқорга Жайқун дейишмаган. У бугун бир ердан оқса эртага бошқа ўзан очиб олади. Яқинда дарёнинг қирини Афғонистондаги Шерхон поштига келмади тухтайдиган жойда қуйиб берилди. Шерхон поштига қуйиб берилди. Шерхон поштига қуйиб берилди.

Экинчи аъзолари ғайрат билан ишлаб, махсус ускуналар ёрдамида қўйқа йилгадан жойини тезда тозалаб берди. Шундан кейин экинчи аъзолари ўз йўлида дам олишди. Шерхон поштига қуйиб берилди. Шерхон поштига қуйиб берилди.

ЧЎЛҚУВАРЛАР УЧУН

Қарши даштани ўзлаштирувчиларнинг марказий саноат базаси комплексига элемент энергия берадиган электр қувватини пайдаланувчи подстанция қурилиши тугалланди. Энергетика қувватини тақсимлаб берувчи бў

лиги подстанция автомашина ва моторларни, эскиваторлар, бульдозерлар ҳамда скреперларни ремонт қилиш, темир-бетон конструкцияларни, сиднальни қурилиш материаллари ва бетон ишлаб чиқарувчи гигант технология линияларини ҳаракатта келтиради. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Чорвон ГЭСнинг бунёд этётган қурувчи ва монтажчилар ленинча меҳнат вақтисида турбн ишлатилар. Ҳазир ГЭС турбини барпо этиляпти. Бу ерда шу нунгача 3 миллион кубометр темир-бетон ётирилди. 16 минг тоннадан зиёд металл конструкциялар монтаж қилинди. Қурувчиларнинг бу йилги раёбатини қурб фойдаланишга ГЭС қурилишида фидонона меҳнат бригадасининг аъзолари И. А. Қодиров, бригадир А. Пегазов, Р. Шамсидинов фотоси (ЎзТАГ).

Партия, совет ва хўжалик органларидаги узоқ йиллик ва самарали ишлари учун ҳамда туғилган кунига эллик йил туғилиш муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Ойтабры район комитетининг



бошқа республикаларни ҳам айлантириш билан таъминлайди. СССР ҳақларининг тошкентликларга айланиб оқибатларини тугатишда берган моддий ва маънавий ёрдами мамлакатимиз халқлари қардошлиғи ва дўстлигининг, социалистик интернационализм принципларининг ёрқин ифодаси бўлди. Англияда чиқадиган «Гардиан» газетаси шу муносабат билан қуйидагиларни баған эди: «Бу табиий офат совет кишиларидagi энг яхши фаилатларини рўй-рост намойи қилиши жиҳатдан инсоннинг ҳавасини келтирди... Тошкентта ҳаёт бағишлаш бутун халқнинг бурчи бўлиб қолди. Рига ва Владивостокдан, ҳамма ердан кишилар Тошкентга пул юбордилар. Бирор пул юбориш, яқин яқин тулашнинг ўзи камлик қилди. Тошкентга одамлар ва материаллар керак эди. Тез орада Тошкент уми ҳам, бунинг ҳам олди».

Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти, янги шаҳарлар, саноат марказлари ва иқтисодий районларнинг пайдо бўлиши муносабати билан аҳолининг бу жойларга кўчиб келиши шунга олиб келинди, иттифоқи ва автоном республикалар янада кўп миллатли бўлиб қолдилар. Агар Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бир неча ўн элат япаган бўлса, ҳозир бу элат юздан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари яшамоқда. Агар Украина оладиган бўлса, бу ерда 1926 йилда 92 миллат ва элатларнинг вакиллари яшарди, ҳозир эса 120 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари яшамоқда. Бунинг мамлакатимизда бир хил бўлган бирон бир хўжалик, корхона ва муассасани топиш қийин; уларнинг аксарий кўпчилиги турли миллатлидир. Буларнинг ҳаммаси миллатлар ва элатлар ўзаро янгилашувининг прогрессив тарихий тенденциясини акс эттирди.

Мамлакатимизда юз бераётган миллий маданиятлар яқинлашуви миллий маданиятлар яқинлашувининг объектив процессини ташлаштиришга кўп ҳиҳатдан ёрдам берибди. Мамлакатимизда юз бераётган миллий маданиятлар яқинлашуви процессининг асосий моҳияти уларнинг турли формалари ва узларига хос колоритлари йўқолиб бораётганлигида эмас, балки аввало, уларнинг бир-бирларига сингир бориши ва бир-бирларига бойишлари муттасил кучаяётганлигида, улардаги эскирган, архаик-элементларнинг тугаб бораётганлигида, ҳар бир миллий маданият ҳам ўз ҳақининг, ҳам бошқа миллат кишиларининг маданий эҳтиёрларини тобора кўпроқ қондиришга олиб келганида, маданиятлар билан традицияларнинг тобора кўпроқ янгилашаётганлиги ва мустақамлашаётганлигидан иборат. Бу процесс миллий маданиятларнинг бир қилинган тушишига эмас, балки аниқча уларнинг чинакам равишда топишига олиб бормоқда. Бунинг социалистик маданиятимиз қўйилганлиги маданият сифатида ривожланишга, ўзига барча миллий маданиятларнинг прогрессив аниқчаларини сингирди. Лениннинг ибораси билан айтганда интернационал маданият миллий

логисининг галабасини таъминлади. Ленин партияни қизқитирган совет ҳақлари дўстлиги эса Улуғ Ватан урушининг шиддатли йилларида айниқса ёрқин намойи бўлди. Ватанга қизгин муҳаббат, мақсадларнинг бирлиги ва бу йўлда биргаликда кучгайрат сарфланганлиги мамлакатимиз миллатлари ва элатлари бир-бирлари билан биродарлаштириш ва яқинлаштириди. Социалистик тузум билан, умумий ҳаётини манфаатлар ва мақсадлар билан бирлашган, Коммунистик партия томонидан марксизм-ленинизм байроғи остига жипслаштирилган СССР халқлари фашизм устидан жаҳоншумул-тарихий галабага эришдилар.

СССР космонавт-учувчиси Павел Иванович БЕЛЯЕВ

СССРнинг машҳур космонавт-учувчиси, космоснинг дастлабки забторларидан бири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Павел Иванович Беляев оғир насалидан сўнг 1970 йил 10 январда вафот этди.



П. И. Беляев 1925 йил 26 июнда Вологда области Рослятин районидagi Чельшичево қишлоғида туғилди. 1942 йилда ўн йиллик мактабни тамомлаб, заводга ишга кириди ва аввал тоқаб бўлиб, кейинчалик эса тайёр маҳсулотни қабул қилувчи бўлиб ишлади.

Улуғ Ватан урушининг оғир давларида ўзининг кўп миғлаб тенгқурлари қатори П. И. Беляев ҳам қўриқли равишда Совет Армияси сафига кириди ва учувчилар мактабини муваффақиятли тамомлагач, империалистик Японияга қарши қирувчи-учувчи сифатида қатнашди.

Урушдан кейинги йилларда П. И. Беляев Тинч океан флотини ҳарбий-ҳаво кучларининг гвардиячи қирувчи авиация полкида хизмат қилди. Шу ерда у 1949 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кириди. У учувчи, старший учувчи, авиокомандири, эскадрилья командирининг сийёси ишлар бўйича ўринбосари бўлди.

1956 йилда П. И. Беляев Қизил Байроқли ҳарбий-ҳаво академиясига ўқишга юборилди. Шу академияни тамомлагач, у авиация эскадрильясига командирлик қилди. Қўмондонлик Павел Ивановичнинг шахсий фаилатларини юксак баҳолади. 1980 йилда унинг космонавтар оғлигига йўллади. Бу ерда у юксик техникани ўзлаштиришга эър қатъият кўрсатди, кема қисмларини мукамал ўрганди, кемаларини бошқаришнинг амалий қўникмаларини эгаллади.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати 1965 йил мартда П. И. Беляевга «Восход-2» кемасида экипаж командири сифатида космик парвоз қилишнинг ишониб топширди. У мана шу масъулиятли топширини муваффақиятли бажариб, космик маънавий фаилатларига, иродовий хислатларга эга знаил маҳоратини кўрсатди. Парвоз вақтида у инсоннинг қўнига биринчи бўлиб кемадан космик фазога чиққиди раҳбарлик қилди. Полковник Беляев кемадан қўла билан бошқарув системасини ишга солган ҳолда қўлиди. «Восход-2» кемасининг парвози космосни ўзлаштириш тарихида янги, гоят муҳим саҳифа очди ва Совет Иттифоқининг космик шухратини оширди.

Космик парвозни муваффақиятли амалга оширгалиги учун Павел Иванович Беляевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени билан «Олтин юлдуз» медали топширилди ва У «СССР космонавт-учувчиси» унвонига сазовор бўлди. У Қизил Юлдуз ордени, қўнига медаллар билан ҳам мунофотланган, чет мамлакатларнинг бир қанча мунофотларига сазовор бўлган.

Кейинги йилларда Павел Иванович махсус биланларнинг қўни билан тақомиллаштириди, космонавтарнинг космик парвозларга тайёрлишида бевосита қатнашди.

П. И. Беляев социалистик Ватаниннинг қизгин ватанпарвар, принципал коммунист эди, иқтисодий-сийёсий ҳаётда актив қатнашди, раҳбар партия оғиларига, Москва Советининг депутатлигига сайланди, совет халқининг космосни ўзлаштиришдаги муваффақиятларини пропаганда қилди. У меҳнатнашлар, ёшлар ҳузурида, армия ва флот жағичилари ҳузурида, чет мамлакатлар намоиндалари ҳузурида тез-тез нутқ сўзлаб турар эди. Ҳамма унинг сезир ва меҳрибон инсон, яхши ўртоқ ва оила бошлиғи экинчилигини билар эди.

Коммунистик партия билан Совет халқининг содиқ фаилати, космоснинг мард ва шонли забтори, жангбар дўст ва ўртоқ Павел Иванович Беляевнинг порлоқ хотираси дўстимизда абадий сақланади.

СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ПОЛКОВНИК П. И. БЕЛЯЕВНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ КОМИССИЯДАН

Комиссия шунинг маълум қилдики П. И. Беляев ясалди солиштириб совет Армиясининг Қизил Байроқли Марказий уйи эалига (Коммуна майдони, 2-уй) қўйилди.

Марҳум билан видолашмоқ учун 12 январь соат 10 дан 18 гача ва 13 январь соат 10 дан 13 гача кириш мумкин.

П. И. Беляевни дафн этиш маросими 13 январь соат 14 да Н. П. Водовичи қабристонига бўлади.

СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ПОЛКОВНИК П. И. БЕЛЯЕВНИНГ КАСАЛИ ВА ВАФОТ ЭТИШ САБАБИ ТУҒРИСИДА МЕДИЦИНА ХУЛОСАСИ

СССР космонавт-учувчиси полковник П. И. Беляев ошқозон яраси дарағида қалинб, шунинг оқибатида 1969 йил декабрда бехосиз ошқозон-ичкадан тез-тез ирон оца бошлад.

Операциядан кейин қарин томурлар тромбоз рўй бериб, 12 бармоқдан ва ногича ичакларининг кўп жойи қирий бошлад.

СССР Муздорафа министрлиги Марнавий ҳарбий-медицина бошқармасининг бошлиғи медицина хизмати генерал-полковники Д. Кувшинский, СССР Муздорафа министрлигининг бош қирувчи СССР медицина академиясининг ҳарбий асоси медицина хизмати генерал-полковники А. Вишневский, профессор Г. Вялянов, профессор Д. Сарисов, СССР Муздорафа министрлигининг бош патолог-анатоми медицина хизмати полковники А. Алатенико.

СССР составига кирган ҳар бир миллат ва элат вақили ўзини аввало совет кишиси, жаҳондаги биринчи социалистик давлат граждани деб билди. Шу муносабат билан бизнинг публицистларимиз, адабиёт ва санъат қодимларимиз ўз асарларида ўз жонажон ўқиларни ва халқлари билан бирга умумий Ватанимиз — Совет Иттифоқига бўлган муҳаббатини янада ёрқин ва чуқурроқ очиб берсалар қўниладигани булур эди. Бу билан улар социалистик ватанпарварлик ва интернационализмни тарбиялашга янада актив ёрдам берган бўладилар.

Маълумки, ҳозир барча иттифоқи, автоном республикалар ва областлар давлат ва партия органларида, халқ хўжалигининг турли тармоқларида, маданият, маориф соҳасида ишлаётган маънавий қадрларга эгадирлар. Лекин бу ҳар бир республина эга бўлиши керак, деган гап эмас. Қўнига қурилиш объектлари, саноат корхоналари маҳаллий аҳамиятга эмас, балки бутуниттифоқ аҳамиятга эга, Шунинг учун улар мамлакатимизнинг бошқа республикалари ва районларидан кадр келишига эҳтиёж сезишлари табиий. Шу билан бирга, кадрлар алмашиши илгор таъриблари кенг ёйиш ва жорий этиш учун катта аҳамиятга эга, меҳнатнашларини интернационал руҳда тарбиялашга ёрдам беради. Партияимизнинг

Қар бир совет миллатининг бутун тараққиёт йўли шунинг кўрсаткичи, фақат социализм шароитида, СССРнинг бошқа халқлари билан иттифоқдаги ҳар бир миллат ўзининг ҳозирги миллий ифтихорини таъминлашга эриша олади. Совет кишилари келажакка ишониб билан қаратаётган экинлар шунга қатъий аминдиларини, улар СССРда коммунизм қурилиши вазирасини муваффақият билан бажардилар. Совет жаҳонининг бузилимас бирлиги, унинг ленинчи авангарди тоғарига жипслашганлиги, бузилимас ва қилдан-қил мустақамлашган бораётган СССР халқлар дўстлиги уларга шундай ишонч бахш этмоқда.

М. ХОЛМУХАМЕДОВ, философия филолири қандидати. («ПРАВДА» 10 январь).

А. Б. ШАСТРИ ХОТИРАСИ

Шу кишилар зйврат қилоқ учун келган бино деворига Л. Б. Шастри барельефи тасвирланган ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Совет Армиясининг жаңгичлари фахри қоровулда туришди. Ёдгорлик лавҳасига гулчамбар қўйилди.

Унинг лентасига: «Хиндистоннинг атоқли давлат арбоби Лял Баҳодир Шастрига, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга деган сўзлар ёзилган. Унинг ёнига Ўзбекистон ССР ҳукумати номидан гулчамбар қўйилди. Хиндистон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнлари янграйд.

Ўзбекистон пойтахти Хиндистоннинг собиқ Бош министри Лял Баҳодир Шастри вафот этган кунининг тўрт йиллигини ҳурмат билан хотирлади. Тарихий Тошкент учрашуви вақтида Хиндистон делегацияси бошлиғининг қароргоҳи бўлган шаҳар ташқирисидоги даҳада жойлашган уйга 11 январь кунини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбанов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи



МЕХНАТ ВА КАПИТАЛ

Янги йил капиталистик мамлакатларнинг милдон-милдон меҳнатчиларига янги муҳтожликлар келтирди. Пролетариат турмуши ва меҳнат шартлари ахшилланиши учун қаттиқ кураш олиб боради. ПАРИЖ. Ондлер шаҳрининг (Кальвадос департаменти) кўпчилик қорхоналарида иш тўхтади ва ишчилар қонунга хилоф равишда ишдан бўшатишлар бекор қилиниши ҳамда иш билан таъминлашга гарантия берилишини талаб қилиб, намойишда қатнашдилар. Умуми меҳнат конференцияси маҳаллий таъминотидаги ташаббуслар билан бошланган ҳаракатга бошқа насабда союз бирлашмаларига кирувчи меҳнатчилар ҳам қўшилди. Намойишда ишчилар, муаллимлар, ўқувчилар, бадиқчилар қатнашди.

ПОЛЬША. Людвик Холеннинг насиб расомчилиги эмас, у «Мощеница» шахтасида қончи бўлиб ишлайди. Лекин тасвирий санъатга жуда қизиқад. Рассом иқдорининг навузуси — нососнинг фантастик тасвири. Л. Холеннинг кўнглина ишлари халқро бадиий нўргамаларда катта муваффақият юзотган. Суратда: Л. Холен иш устидо. ЦАФ—ТАСС фотоси.



ИСПАНИЯ. Мадрид марказидан 8-10 километр четга қилиниши биланоқ қашшоқлик, ботқоқлик ва кулбалар зонаси дуч келнади. Бу ерда минглаб ишчилар истиқомат қилади. Тахта ва тунақдан тилканиган ушбу кулбаларда сув ҳам, ҳатто оддий нуайлик ҳам йўқ. Суратда: қашшоқлар нозирлида. Ю. Юрников фотоси. (ТАСС).

БИРИНЧИ МАТЧ: МЕКСИКА—СССР

МЕХИКО, 11 январь. (ТАСС). Тўққизинчи жаҳон футбол чемпионати 31 май кунини «Атлетико» стадионидо Мексика ва СССР терма командаларининг учрашуви билан бошланади. Бу ерда ўтказилган чек ташлаш натижасида бу командалар Бельгия ва Салвадор футболчилари билан бирга биринчи гуруҳга юрдилар. Шу тўрттаунинг ўйинлари 1969 йилги олимпияда ўйинларининг ХАЛҚАРО МАВЗУДА

ШТРАУСНИ УШЛАНГ!


Энг сўнгги маълумотларга қараганда, Штрауснинг активлиги билан Бонн шаҳрида «Бонидаги Бовария» деб номланган заррақалар қўйиб кетди. У янги ҳукуматнинг олиб бораётган ишлари билан алданган бери ҳисобламани қўйди. Штраус бошчи реакцион кучларнинг олиб бораётган ишлари соғуни уруш муносабатларини янада кучайтиришга иборатдир. Штраус тарafdарларининг ногорасига ўйнайилган «Вайлер-Курир» газетасида яқинда, унинг мақоласи босилди қилди. У э.и. мақоласида, Умумиеропа кеңашини чақиртиришга, социалистик мамлакатлар билан муносабатлар олиб боришга оғинданоқ қарши чинди. Янги йил бошидо Штраус—Варша—Киевнинг гуруҳиси ўз мақсадларини амалга ошириш учун ГФРнинг янги ҳукуматига таъйин қилишга уринмоқда. Штраус яқинда Америка Қўшма Штатларига борганда, бу «саёхатдан» Совет Иттифоқига ҳужум қилиш учун фойдаланди. Янги нурулнинг тарқатмасини ҳақиқатда шартнома ҳам, тарқатмасидо ҳужум қилди.

вақт оғохлантриб келган эди. Албатта Штраус ва Киевнинг партиясини 52 университет хўжайини бўлган ишчилар Хелмут Хортенларга ўхшаган йирик капиталистларнинг манфаатини ҳимоя қилоқда. Чет эл матбуотининг баъзида, Мюнхен шаҳрининг Нейхаузерштрассе кўчасидаги 34-уй турли қаблан номер ишоби остида жоуслар маконига айланиб кетган. Бу уйга гитлерчи генерал Конрад илгарини Бовария министри Штайн, ҳатто Штраус ҳам бир неча марта келиб кетган. Италия шаҳарларида яқинда йўқ берган бомбардирнинг портланди Мюнхендаги 34-уйнинг роли бор деган овозлар ҳам келиб эмас. Штраус наби сиёсий шахсларнинг қомийлиги ва Германия Федератив Республикасининг реакцион сиёсати натижасида мамлакатнинг Хануа, Фирхянг, Мерфельден, Хайлер районлари Американинг химия ва бактериология нуруллари омборига айланиб кетди.



ГДРнинг ДЕФА киностудиясида ёзувчи Иоганнес Бехернинг «Хайрлашу» романи асосида «ВИДОЛАШУВ» номли картина суратга олинди. Фильм сценарийсини Э. Гюнтер билан Г. Куенерлар ҳамкорлида ёзган. Романда ёзувчи ўз ватани билан хайрлашуви, Улуу Ватан урушини йилларида кечирган ҳаёти ва улағиш давралини тарихнам ҳолига боғлиқ қолда ёзган эди. Кинода ҳам шу воқеалар ўз аксини толган бўлиб, режиссёр Э. Гюнтер экиран ихрамомни Ганс образи қилди машуму реакция дунисини ёричи социал бўёнларда очиб бера олган. «Киргезфильм»да «ПИСТИР-

А. ОМИЛОВ, Тошкент педагогика институтини ўқитувчиси.



ИСПАНИЯ. Мадрид марказидан 8-10 километр четга қилиниши биланоқ қашшоқлик, ботқоқлик ва кулбалар зонаси дуч келнади. Бу ерда минглаб ишчилар истиқомат қилади. Тахта ва тунақдан тилканиган ушбу кулбаларда сув ҳам, ҳатто оддий нуайлик ҳам йўқ. Суратда: қашшоқлар нозирлида. Ю. Юрников фотоси. (ТАСС).

ЙЎЛДАГИ ВОКЕА

Пассажир автотранспортининг шофери С. Даволев нефтчиларни Чўйтер тепага навабатдаги вахтага олиб борарди. Бирдан улар йўлда катта бургутини кўриб қолди. Машинанинг берган сиканасига у парво қилмасди. Автобус жуда яқин келганда катта кўш бирдан қанотларини ёзиб, зўр куч билан кайнага қолдиб ўрилди. Шофер олдиндаги ойна синиб кетди, човут солганда обғини синдирган бургутининг ярми шофер кабинисига кириб қолди. Шофер саросимага тушмади: қақирилмаган меҳмонини ушлаб олиб, машинисини тезда тўхтатди. Бургутини қанотларини қўйиб, унинг ҳар бир қанотининг узунлиги бир метрдан ошарди. НЕБИТ-ДОГ, Туркманистон ССР (ТАСС).

ХИТОЙДА УРУШ ВАСВАСАСИ

Хитойда янги йил арафасида чет эл дипломатлари ва журналистларининг ҳаракат қилиши қўшимча қарашлар мамлакат бўлиб сафар қилиш учун илгари берилган руҳсатномалар бекор қилинди. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Пекин-дипломатия доираларига бари чорани «урушга тайёргарчилик кенгайтириш» деб таънутиришмоқда. Чет эл матбуотининг берган хабарларига кўра, Пекинда ўтказилмаган «мудоғола тадбирлари» уруш васвасасини атайин зўрайтиришга мўлжаллангандир. Ҳарбий маъмурият пойтахт аҳолисини ҳовилиларда пайа хандлар қазинишга мажбур қилди. Осиё-оқият нормаларини яна ласайтириш учун уруш вақтига запас қилиб қўйилган зарурати баҳона қилинмоқда. Аини маҳалда маочлар пропагандаси Мао Цз-дун ёғлар билан курулланган Хитой халқи учун уруш қўрқинди эмаслигини аҳолига уқтирмоқ учун ҳар қандай баҳонадан фойдаланмоқда. 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида яратилган «Солдатлар шаҳар остида», «Шанхай учун жанг» кинокартиналарини ва бошқа фильмларни Пекин газеталари таниқ қилиб чиқаришга хизмат қилди. Бу картиналар халқ озодин армиясининг ҳаракатларига бағишланган эди. Уларда уруш ва у билан боғлиқ мусибатларни реалистик тарзда кўрсатиш элементлари бор эди. Лекин ҳозирги вақтда маочлар урушга шу тахлитда ёндашуви «урушга қарши чикувчилик мағлул биччиликнинг захарли ўти» деб эълон қилдилар. Кинофильмлар «Маданий революция» бошланшидаёқ экрандан олиб ташланган эди. Ҳозирги вақтда шундай фильмларни таниқ қилиш (бунга Пекинда чиқарилган газеталар бутун-бутун саҳифалар бермоқда) милитаризм ва шовинизмни Мао

РАДИО БУГУН 6.15 — Тонги концерт, 8.25 — Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси атради орнотирининг концерти, 9.30 — Г. Қодиров, Иккинчи сўнгга, 10.10 — СССР ҳақлари кўйилди, 10.30 — Тоғу қўйилди, 11.15 — «Институт ва лабораторияларда», 11.30 — «Зарафшон қизи» музикали драматиздан парчалар, 13.30 — Совет атрадиси артистларининг концерти, 15.15 — «Замондошларини» деган адабий эинтириш (русча), 15.30 — «Хайтга муҳаббат» радиомонизицияси, 16.10 — «Музыка нима ва уни қандай тушуниш керак? 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 18.00 — «Меҳнаткорлар — ленинча меҳнат вахтасида» (русча), 18.10 — С. Юдаков, «Ленин хотираси» номли поэма, 18.40 — Спорт эинтириши, 19.20 — Оқубобоев номидоги Ленинград област театри артистларининг концерти, 20.00 — «Эшлик» радиотелерадиотелерадиопрограммаси, 21.00 — «Лениннома» программаси (русча), 21.30 — Қишлоқ меҳнатчилари учун концерт, 22.20 — Ёнги кўйлар, 22.40 — Севимли ёзувчилар радиоклубониси, М. Ю. Лермонтов шеърлари, 23.15 — «Кўйлар тинглаб дам оламиз».

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ МУЗ... ҚАСР ЛЕНИНГРАД кутубхонасида 18 асрга таалуқли қизиқ бир ҳужжат топилди. Россия Фанлар академиясининг аъзоси, профессор Г. Крафт «Муз қаср» қандай қурилганини, қанчаларнинг жойлашинини батафсил ёзган. Расмларни қизиқ қолдирган. «Муз қаср» малика Анна Иоанновнанинг қўлига 1740 йилнинг қишида Санкт-Петербургда қурилган эди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН БИРИНЧИ ПРОГРАММА 13.00 — Москва кўрсатувлари, 17.55 — Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида: 18.00 — Телевидение, 18.15 — Телефильм, 18.25 — Ленинча меҳнат вахтасида, 18.45 — «Кўйлар 20 ёшим» (кинопер), 19.30 — «Ватанпарварлик ташаббуси» кенг қўлоқ ёниши, Рус тилида: 20.00 — Пойтахтимиз мақолалари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА 18.00 — Тошкент. Ўзбек кўрсатувлари, 20.00 — Москва кўрсатади, УЧИНЧИ ПРОГРАММА 20.00 — Тошкент. Дустанлар кўйилди, 20.40 — Беш йилдини фондига. Рус тилида: 21.00 — Илмий, омиёбоп фильм, 21.30 — «Номсолом» (бадиий фильм).

КИНО Эр-хотининг уруши... (2 серия) — «ЎЗБЕКISTON 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечурун), САНЪАТ САРОНИ (кундуз соат 5 ва кеч 8 яримда). Озод туғилган — «ЧАНКА», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «СПУТНИК» (куфут соатлари), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун), САНЪАТ САРОНИ (кундуз соат 1 ва 3ал), Унинг қаллигиман — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

«БАХОД» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА (В. И. Ленин номли залда) 15 январи кеч соат 8 да МУЗИКАНИ СЕВУЧИЛАР УЧУН 8-АВОНЕМЕНТ БУИЧА

УЗБЕКISTON ССР ДАВЛАТ СИМФОНИ ОРКЕСТРИ Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЗОХИД ҲАҚНАЗАРОВ Солиаст — Халқаро юнкурс лауреати НАУМ ШТАРКМАН

ТОШКЕНТ ТЎКИМАЧИЛИК ВА БИТИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ пуулиб 6 ойлик тайёров нуруслари ПИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Кириш учун: реktor номинго арвиза, етувчи аттестати, диплом (инусхаси), турар жойидан ва иш жойидан справналар топширишлари керак. Машгулот учун — 20 сум тулачоди. Машгулотлар — 20 январдан бошланади. Мурожат учун адрес: Тошкент-100, 2-Виборгский кўчаси 5-уй, 8-хона.

Тошкент шаҳар Октябрь райони халқ маорифи бўлими, Маншон Уйғур номидоги 22-фурта мактаб коллегияни шу мактабнинг математика ўқитувчиси Умаршон ХУНАЕВИНГ туфсатдан вафот етганлигини маълум қилдилар ва марҳумнинг онасига чуқур таъзия ваъзор етдилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКISTON Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337014, 330323, Матбуз секретарь — 334455, Матбуз секретарь ўринбосарлари — 337263, Партия гуруҳи — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилдиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистлар гуруҳи — 331455, Саноят капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333259, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221, Фан, маънафат ва олий ўнзу юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатар — 338679, 330353, Иллюстрация — 334324, Стенография — 337343, Коррентура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммуторлар — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48-85, Бухоро — 3-31, 42, Қарши — 38-42, Наманган 21-88, Нуеце — 42-62, Самарканд 31-072, Терми 23-27, Фарғона 41-88